Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 21-iyun, shanba № 76 (3425)

Болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка интилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг маданий савиясини ошириш — биз учун устувор вазифа.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сиз билан бирга ушбу ғоят муҳим конференциянинг очилиш маросимида иштирок этиш мен учун улкан шараф бўлди. Анжуман юксак савияда ташкил этилгани ва теран мазмунли маърузалари билан мени ҳайратга солди. Айниқса, Сизнинг нутқингиз менда катта таассурот қолдирди. Ўрта асрларда Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирлари қилган кашфиётлар, бугунги кунда Сизнинг раҳнамолигингизда илм-фан ва таълим соҳасида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар ҳақида жуда кўп фойдали маълумотга эга бўлдим.

Ўзбекистонга қисқа ташрифим давомида Халқаро қуёш энергияси институти, Ботаника боғи, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада бу ютуқларнинг айримлари билан бевосита танишдим. Олимлар ва илм-фан арбоблари билан фикр алмашиш, мулоқотлар асосида Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига, ўрта асрлар Шарқ олимларининг илмий анъаналарини давом эттирган ҳолда, чуқур билим ва тафаккур мамлакатингиз келажагини таъминлашга йўналтирилаётганига амин бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига, ушбу эзгу ишларга раҳбарлик қилаётганингиз ва бу борадаги саъй-ҳаракатларингиздан ҳайратга тушганимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан доимо ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келган. Мамлакатингизда ўтказилган самарали мулоқотлардан сўнг Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни бунданда мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар мавжудлигига ишончим янада ошди.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан,

Хуберт ГИЗЕН,
ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари,
Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

Навоийда «Ишонч» оромгоҳи фойдаланишга топширилди

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда Ҳукумат даражасида Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши ёш авлодни соғломлаштириш борасидаги хайрли ишларни янги босқичга олиб чиқиш имконини берди.

Болаларни соғломлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тажрибаси, яъни бу борада давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти уйғунлигини таъминлаш амалиёти бугун ҳар томонлама эътироф этилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини янада оширди. Болалар оромгоҳлари фарзандларимизни нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки уларнинг маънавиятини, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастурлар тасдиқланиб, амалга оширилиши давлатимиз томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Натижада, йилдан-йилга ўғил-қизларни оромгоҳларга жалб этиш кўлами кенгайиб бормоқда.

2013 йилги Манзилли дастурга мувофиқ 20 дан ортиқ оромгоҳларда қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилган бўлса, жорий йилда республикамизнинг учта ҳудудида янги оромгоҳ барпо этиш, турли ҳудудлардаги 16 та оромгоҳни реконструкция қилиш, 24 та оромгоҳда капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Наманган вилоятида «Норин», Самарқанд вилоятида «Чорчинор» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари барпо этилаётир.

Жорий йилнинг 20 июн куни Манзилли дастур асосида ЎзКУФК томонидан Навоий вилоятида янгидан барпо этилган «Ишонч» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг тантанали очилиш тадбири ўтказилди. Ушбу оромгоҳда амалга оширилган катта ҳажмдаги капитал реконструкция ишларига Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Оромгоҳнинг айнан Соғлом бола йилида фойдаланишга топширилиши эса болажонларимиз учун энг яхши совға бўлди.

Оромгоҳда замонавий лойиҳалар асосида ётоқ бинолари тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилиб, барча шарт-шароит ва қулайликларга эга бўлган ошхона, ювиниш, Маънавият ва маърифат, тиббиёт хоналари, киноклуб, санузеллар тўлиқ таъмирланди. Оромгоҳга олиб борувчи йўллар ва ҳудуд асфалтланиб, канализация тармоғи уланди. Ота-оналар учун эса шинам суҳбат айвончалари барпо этилди.

Дам олаётган ўғил-қизларнинг хорижий тиллар ва компютер бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида махсус синфлар ташкил этилиб, зарур техникалар билан жиҳозланди. 10 га яқин тўгарак машғулотлари ўтказилувчи хоналар ташкил этилди. Кутубхона эса болажонлар учун мўлжалланган бадиий адабиётлар билан таъминланди.

Оромгоҳдаги барча хоналар алоҳида дид асосида энг замонавий мебел, маиший техника воситалари, ошхона анжомлари билан жиҳозланди. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кўргазмали бурчаклар ташкил этилди.

Ҳар бир навбатда вилоят меҳнаткашларининг 100 нафардан фарзандларини ўз қучоғига олувчи мазкур оромгоҳда жорий йилги мавсумда 300 нафардан ортиқ ўғил-қизнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлаши режалаштирилган. Болажонлар бу масканда 5 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Барча талаблар асосида жиҳозланган Маънавият ва маърифат хонаси, сузиш ҳавзаси, оромгоҳ ҳудудига ўрнатилган болалар аттракционлари ёш авлод вакилларининг севимли масканларига айланиб улгурди.

Оромгоҳда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ташкил этилиб, Федерация Кенгаши томонидан болажонлар учун 10 дона компютер жамланмаси ҳадя этилди. Акция доирасида жажжи қалб эгаларига истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлод камоли йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тасаввур берилди.

Оромгоҳ дам олувчилари иштирокида ташкил этилган концерт дастури болажонларга янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
ЎзА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган форум ўтказилди. Унда қатор ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, танлов иштирокчилари қатнашди.

Кеча «Максам-Чирчиқ» ОАЖнинг маданият саройида «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви ва Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» танловининг республика босқичи ўтказилди.

Кимёгарларнинг шашти баланд

Тадбирнинг очилиш маросимида Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси М.Ҳалилова сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Миллий ахборот агентлиги, Фермерлар кенгашининг «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш ҳамда «Ёш мутахассислар» республика Форумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Ушбу танловни ўтказишдан мақсад тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизим тараққиётига хизмат қилувчи инновацион ғоялар, илмий-техник лойиҳалар, ихтиролар ва таклифлар билан фаол иштирок этиб келаётган ёш мутахассисларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.

Танлов шартларига кўра, қатнашчилар ўзлари тайёрлаб келган соҳа бўйича янгилик, ихтиро ва кашфиётларни намойиш этишди. Якуний хулосаларга кўра, 160 балл жамғарган Дониёр Ҳалилов биринчи ўринни эгаллади. 150 балл тўплаган Музаффар Қосимов иккинчи ҳамда Ҳотам Ёриев ва Дилором Қўйлиевалар учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Шу касбни танлаганимдан фахрланаман. Чунки мамлакатимизда мазкур тизимда амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар ёшларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Биз, ёшлар эса ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди танлов ғолиби Д.Ҳалилов. — Яратилаётган имконият ва имтиёзлар дадил қадамлар ташлашга ундамоқда.

Барча иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Изланувчан, касбига садоқатли, шу билан бирга, ҳар ишда талабчан кадрлар нафақат ўз соҳасининг, балки мамлакатимиз тараққиётининг пойдеворидир. Қизғин ва ҳалол курашлар натижасида вилоят бўйича Хуршида Саиднўъмонова «Энг фаол ёш ўқитувчи», Жобирхон Абдуллаев «Энг фаол ёш энергетик», Нозима Абдусаматова «Энг фаол ёш ҳунарманд», Алимардон Ҳабибуллаев «Энг фаол ёш олим», Асрорбек Акбаров «Энг фаол ёш фермер», Абдулазиз Ҳалимов «Энг фаол ёш шифокор», Исломбек Қутбиддинов «Энг фаол ёш тадбиркор», Гулёра Қурбоналиева «Энг фаол ёш тарбиячи», Ғанишер Солибоев «Энг фаол ёш қурувчи», Ёсинхон Ҳожиев «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси», Улуғбек Маматов «Энг фаол ёш алоқачи», Ойбек Мирзаев «Энг фаол ёш транспортчи» йўналишларида эътироф этилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Юртимиз сиҳатгоҳларида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Чинобод санаторийси» ОАЖда ходимлар учун психологик тренинг ташкил этилди. Машғулотларни психология фанлари номзоди Эркина Агзамходжаева олиб борди. Тренингдан кўзланган асосий мақсад — инсон саломатлиги йўлида самарали иш олиб бораётган ходимлар ўртасида соғлом муҳитни яратиш ва касбий фаолиятда психологик депрессиянинг олдини олишдан иборатдир. Ушбу тадбир даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Мақсадимиз — даволаш самарадорлигини ошириш

Тренинг меҳнат самарадорлигини ошириш, маънавий муҳитни яхшилаш ҳамда дам олувчиларга янада намунали хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлди.

— Ўқув жараёнида ходимларнинг бир-бирининг кўзига қараб ҳамкасби ҳақида кўнглидан кечган ўйларни очиқ айтиши ва яна ўзи ҳақида ўзганинг фикрини тинглай билиш қобилиятига эътибор қаратилди. Тренингда ходимлар ўзлари тўғрисида кўп маълумотга эга бўлибгина қолмай, бир-бирларига ўзаро ҳурмат шаклланганининг ҳам гувоҳи бўлишди. Яна баъзан ходимлар ўртасидаги уятчанлик бир-бирини яхши тушунмасликка олиб келиши аниқланди, — дейди олий тоифали шифокор Холида Очилова. — Соғлом авлодни тарбиялаётган ота-оналарни тиббиёт нуқтаи назаридан тарбиялаб, даволаётган эканмиз, бунинг учун, энг аввало, ўзимиз ҳар томонлама соғлом бўлишимиз ва хатти-ҳаракатларимиз билан дам олувчига ижобий таъсир кўрсата олишимиз керак. Шунинг учун ҳар биримиз замонавий психологик тренинг орқали шахсимизни комиллик сари ривожлантиришимиз зарур.

— Биз баъзан ўзимиз ҳақимиздаги ўзгалар фикрини салбий талқин қилишимиз оқибатида тушкун ҳолатда қоламиз, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Абдували Носиров. — Тренинг давомида ходимнинг ўзга кишилар фикри унинг нафақат камчиликлари, балки ижобий томонларини ҳам кўрсатиб, бу фазилат унга қандай таъсир кўрсатишини ҳам очиқ-ойдин намоён этди. Бу эса шахснинг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлишини амалда билиб олдик. Ишончим комилки, тренинг дам олувчига хизмат кўрсатишни сифат даражасига кўтаришга хизмат қилиши билан бирга, ходимнинг маънавий ва маърифий савиясини юксалтириб, фикрини яратувчанлик, шукроналик каби омилларга йўналтиради.

Тренинг асноси дам олувчилар билан ҳам мазкур тренингни ўтказишга келишиб олинди.

В.ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» ОАЖнинг маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

КУТИЛГАН ТАШРИФ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Куни кеча мамлакатимиз жанубий вилояти Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида яшовчи 100 нафар ўғил-қиз Самарқанд темир йўл вокзалида кутиб олинди.

— Самарқанд вилоятининг хушманзара тоғлари бағрига келаётганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди Узун тумани Янги йўл маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Шаҳзод Асроров. — Соғлом танда — соғ ақл ақидаси тантанаси йўлида бизга яратиб берилаётган имкониятларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Дам олишга келганлар Ургут туманидаги «Золотинка» оромгоҳига йўл олишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133
Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 21-iyun № 76 (3425)

БАНК КЎМАГИДА

Навоий шаҳрида фаолият юритаётган «Тошкент юлдузи» хусусий фирмаси қошидаги «Машҳура ленд» тикув цехида болалар ва катталар учун замонавий либослар, трикотаж ва тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилда «Асакабанк»нинг Навоий вилояти филиалидан олинган кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳлари келтириб, фаолиятини бошлаган цехда 15 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Айни пайтда мактаб ва коллеж ўқувчилари учун махсус формалар тикишни йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Бу яна бир неча ёшларнинг бандлигини таъминлайди.

Суратларда: (чапдан) ишчилар Моҳинур Асророва ва Зарина Раҳимова; ишчи Дурдона Яндашова.

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Доимий ҳимоямизда

Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини оширириш, ҳуқуқий саводхонлик доирасини кенгайтириш, жамиятда кечаётган туб ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш каби ғоят кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли бажаришда касаба уюшмаларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорлик бугун ўз самарасини бермоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан келишган ҳолда аёлларни кичик бизнес ва тадбиркорликка йўналтириш, янги иш ўринларини яратиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида жойларда ташкил этилган консултатив гуруҳлар ҳам эътиборга лойиқ.

Вилоят маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖ, Мирзачўл туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимларида «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг келажак авлодга таъсири», «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзуидаги суҳбатлар ўтказилди.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб бўйича тўлашда иш берувчининг мажбурияти ва ундан бўйин товлагани учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти юзасидан Арнасой, Дўстлик, Зомин, Зарбдор туманларида ходимлар ва иш берувчилар иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали эҳтиёжманд аёллардан саккиз нафари, ишлайдиган ёш оналардан 12 нафари бепул соғломлаштирилди. «Умид гулшани» санаторийсига 14 дона имтиёзли йўлланма ажратилди, фарзандлари 2 ёшдан уч ёшга тўлгунча таътилда бўлган аёлларга 13,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 271 нафар ёш болали аёлнинг иш ҳафтаси ойлик маоши сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди, кам таъминланган оилаларга 39,9 миллион сўмлик моддий кўмак уюштирилди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан оммавий байрамлар арафасида, айниқса, ижтимоий ҳимояталаб хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖ корхонасида 1,9 млн., Жиззах аккумулятор заводида 2,3 млн., Дўстлик пахта тозалаш корхонасида 1,9 млн. сўмлик маблағ ана шу мақсадларга сарфланди.

Аёллар ва оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда турли мусобақалар ўтказилди. Олий ўқув юртлари талабалари ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-қизлари ўртасида «Аёллар —тинчлик ва ободлик элчиси!» шиори остида марафон ўтказилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида уюштирилган «Спорт — саломатлик гарови!» шиори остидаги мусобақаларга 17584 нафар ишчи-ходим жалб этилди, уларнинг аксарияти хотин-қизлардир. «Касаба-тур» веломарафонида ҳам аёлларнинг фаол иштироки таъминланди. Болалар спорт объектларида 38705 нафар қизларимиз спортнинг 12 тури бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Оммавий спорт билан шуғулланувчи оилалар сони тўрт юздан ортиб кетди.

Вилоятимизда олти юз мингга яқин хотин-қизлар истиқомат қилади. Юз ёшдан ошган табаррук онахонлар 81 нафар. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларимиз сафи тобора кенгайиб, улар бугун 5894 нафарга етди. Шунингдек, 103 нафар олима, 83 нафар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари бўлган хотин-қизлар сафимизда самарали фаолият олиб бораётганидан қувонамиз.

Манзилли дастурга кўра вилоятда ўтган йили 44072 та янги иш ўрнидан 21013 таси хотин-қизлар учун ташкил этилди. Жорий йилда бу борадаги ишлар янада жадаллашди. Бу муҳим жабҳада вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳам ўз улуши бор. «Шукур-Дурдона» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда тикувчилик цехи ташкил қилиниб, хотин-қизлар учун 18 та янги иш ўрни яратилди.

Касаба уюшмалари томонидан 29 та корхона, ташкилот ва хўжаликларда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари бажарилиши, ишлаш учун зарур шароитлар яратилиши бўйича аҳвол ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан маъмурият ва касаба уюшма қўмиталарига тақдимнома киритилди.

Ғаллаорол, Зафаробод туманларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди бажарилишининг аҳволи, Жиззах шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланиши, уларга хавфсиз ва етарли иш шароити яратилиши тўғрисидаги масалалар комиссиямиз йиғилишида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижроси назоратга олинди.

Насиба ГАИРОВА, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

Ёзги таътил — 2014

Роҳатижон гўша

Урганч тумани Қорамон қишлоғида жойлашган Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги «Аҳмаджон Ёқубов гулшани» оромгоҳида дам олиш истагини билдирувчи болажонлар ортиб бормоқда. Сервиқор арчалар, салобат тўкиб турган гужумлар жазирама иссиқ кунларда кишига ҳаловат бағишлайди. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларини ушбу масканга олиб келишга ошиқади.

— Кўп қаватли уйда яшаймиз. Шунинг учун фарзандларимизнинг кўпроқ табиат қўйнида бўлишини истайман. Ҳар ёз уларни оромгоҳга олиб келишга ҳаракат қиламан, — дейди урганчлик З. Раҳимова. — Улар оромгоҳда экан, кўнглим хотиржам.

Бундай илиқ фикрларни яна ва яна эшитиш мумкин.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан болаларни соғломлаштириш, уларнинг ёзги таътилни кўнгилли ўтказишини ташкил қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Оромгоҳлар болаларни ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу йил мавсумни ҳар йилгидан-да сермазмун ташкил қилишга ҳаракат қилдик, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши раиси Шоҳида Бойжонова.

Оромгоҳда 300 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Ҳар бир кун учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Болажонлар қизиқишига қараб машғулотларга жалб қилинмоқда. Спорт йўриқчиси Носир Отаев, мусиқа раҳбари Раҳмонбек Машарипов улардаги қобилиятга қанот бахш этяпти. Тарбиячилар Меҳрибон Дурдиева, Муҳаббат Ражапова, Нодира Собирова болалар билан дўсту иноқ, ҳар бирининг кўнглига қулоқ тутишади. Етакчилар Мансур Нуруллаев, Нигора Ражапова, Анажон Бобожонова болалар дунёқарашини шакллантириш йўлида доимий изланишда.

Шифокорлар болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб боришади. Соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидалари, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар олиб борилаётир. Замира Отажонова бошчилигидаги ошпазлар болажонларни лаззатли овқатлар билан сийлашмоқда.

Оромгоҳ кутубхонасида бадиий, сиёсий, илмий адабиётлар мавжуд бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча қулайлик яратилган. Бу ерда давра суҳбатлари ва анжуманлар уюштириш анъанага айланган. Бу эса ёшларни китобга, маърифатга янада яқинлаштиради.

«Ўзбекистон — нурли бўстон!» шиори остида бирлашган тўртта гуруҳ ўртасида дўстона рақобат йўлга қўйилгани болаларнинг тиришқоқлиги ва интилувчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Соғлом авлод», «Дўстлик», «Омад», «Юлдузлар» гуруҳлари ҳар бир тадбирда фаол.

— Маънавий-маърифий, спорт тадбирлари уюштириш анъанага айланган. «Ўзбекистон — Ватаним маним» тадбири, «Дўстлик тароналари» рақс кечаси, «Эртаклар оламига саёҳат», «Ёш ижрочилар», «Ёш мусаввир» танловлари қизиқарли ўтди. «Ёш шоирлар куни», «Амалий санъат куни»да болалар ўз иқтидорини намоён қилишди, — дейди бош етакчи Муқаддас Рўзметова. — Қолаверса, оромгоҳда болаларга инглиз тилини чуқур ўргатиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Бухоро шаҳар ҳокимлигида Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Маҳорат машғулотлари» ўтказилди. Унда соҳа иш берувчилари, касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар, ҳуқуқшунос ва ходимлар бўлимлари вакиллари иштирок этди.

МАҲОРАТ МАШҚЛАРИ

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Гўзал Тўхтаева бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар уч кун давомида вилоятдаги бошланғич ташкилотларда бўлиб, улар фаолиятини ўрганганди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатгани таъкидланди. Шунингдек, тизимдаги ўзгаришлар, фаолиятнинг янгича талаблари, ҳуқуқий меъёрлар, иш берувчи ва ходимлар масъулияти, меҳнатни муҳофаза қилиш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир савол-жавоблар ва мунозараларга бой тарзда кечди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда мазмунли дам олдиришни ташкил этиш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ташқарисидаги 14 та, мактаблар қошидаги 54 та оромгоҳда 14550 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаряпти.

«Қалдирғоч» бағрида

Ғаллаорол туманидаги «Қалдирғоч» оромгоҳи мафтункор табиат қўйнида жойлашган. Биринчи тоифали педагог Холмўмин Қўлдошев раҳбарлик қилаётган ушбу масканда 125 нафар болажон мириқиб дам олмоқда.

— Болаларнинг кайфияти кўтаринки, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Абдуғаффор Болиев. — Уларнинг таътилни таассуротга бой тарзда ўтказишига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Спорт йўриқчиси Бахтиёр Яқубов дам олувчилар ўртасида «Тортишмачоқ», «Ким чаққон?», «Елкада кураш» каби миллий ўйинларни ташкил этиб, уларга оромгоҳ йўлаклари бўйлаб тез юриш ва югуриш машқларини бажартирмоқда. Сув ҳавзасида эса сузишни ўрганишаётир.

Турсуной Жабборова раҳбарлигидаги тикувбичув тўгараги аъзолари қўли билан тикилган буюмларда ипаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлиги кишини мафтун этмай қўймайди.

Шунингдек, «Камалак» ва «Ниҳол» оромгоҳларида дам олувчиларнинг табиат қўйнига ва муқаддас қадамжоларга саёҳати ташкил этилди.

— Оромгоҳларда олиб борилаётган ҳар бир тадбир болалар дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол туман кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Ёш авлод тарбияси ўта жиддий ёндашувни талаб этади. Зеро, оиласи бағридан узоқда юрган болажонга уйидагидан кам бўлмаган шароит яратиш оромгоҳ ходимларининг зиммасидаги муҳим юмушлардан.

Мавсум масъулияти

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида ташкил этилган болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчиларининг вилоят семинарида шу масала кун тартибига қўйилди. Унда жорий мавсумда кўзга ташланаётган жузъий камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни зудлик билан бартараф этишга келишиб олинди.

Йиғилишда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссияси аъзолари, касаба уюшма фаоллари, оромгоҳлар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Д.РАҲМОНОВА

Аёл ва жамият



Эзгуликка

Кўпинча шундай бўлади. Баъзи инсонлар билан эндигина кўришиб турган бўлсанг-да, худди қадрдонингни топгандай қувониб кетасан. Менда ҳам шундай бўлди. Маҳмуда Обидовани бир кўриб, яна у билан ширин суҳбат қургим, янада яқинроқ танишгим келиб Геология музейига отландим.

Обод уйда яхши одамлар яшайди

Пойтахтимиздаги Тарас Шевченко кўчасида жойлашган Геология музейига кираверишда бизни «Тошга айланган дарахт» қарши олади. Қизиғи шундаки, ана шу дарахт эрамиздан илгариги бўр даврига тегишли бўлиб, кейинчалик кремнезацияланиш жараёнида тошга айланган экан.

Салом-аликдан сўнг Маҳмуда опа билан музей бўйлаб қизиқарли саёҳатни бошладик.

— Музейимизда 50 мингдан ортиқ экспонат бор. Геологияга кириш, қадимги тоғкон саноати, Китоб давлат қўриқхонаси, фойдали қазилмалар, монография, регионал, петрография, экспедиция каби бирбиридан ноёб экспонатларни ўз ичига олган 12 та зал мавжуд.

Баъзи танишларим «Маҳмуда, музейда нима иш қиласиз ўзи, жуда зерикарли жой бўлса керак-а», деб сўраб қолишади. Шунда уларни атайлаб бу ерга таклиф қиламанда, музейимизнинг тарихи, бугуни, мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ва бу ерда сақланаётган экспонатларнинг ноёблиги ҳақида батафсил сўзлаб бераман. Ана шунда уларнинг нафақат бизнинг, балки республикамиздаги барча музейлари ҳақидаги фикр ва тасаввурлари бутунлай ижобий тарафга ўзгаради. Уларнинг «музей ҳақида умуман бошқача фикрда юрар эканмиз, аслида, жуда ажойиб маскан экан» деган сўзларини эшитиб, қалбим қувончга тўлади. Тарғибот ва ташвиқотларим натижасида кейинги сафар улар фарзандлари ва яқинларини ҳам бошлаб келишади.

Геология она заминимиз ҳақидаги қизиқарли фан бўлиб, «ерни ўрганиш» деган маънони билдиради. Геологияга кириш залида Ернинг пайдо бўлиши, қуёш системаси, тоғ жинслари, вулқон отилиши, ер қимирлашлари ва нураш жараёни тасвирланган бўлиб, улар томошабинда беихтиёр қизиқиш уйғотади.

Маълумки, Ер уч қобиққа бўлинади. Булар: Ер қобиғи, мантия ва ядро. Ер қобиғи қалинлиги океан остида 5-10, қуруқликда эса 20-75 км.ни ташкил этади. Ер пўстида кислород, кремний, алюминий, темир, натрий, калий, магний каби элементлар учрайди.

«Яхши суҳбатдош атирфурушга ўхшайди, гарчи у сенга атиридан бермаса ҳам хушбўй ҳиди етиб туради».

Маҳмуда опанинг ҳар бир маълумотини жон қулоғим билан берилиб тинглар эканман, бу аёлнинг ўз ишига шу қадар меҳр билан ёндашишини кўриб, дилим яйради. Унинг музейдаги ҳар бир экспонатга алоҳида меҳр билан тўхталиб, у ҳақда завқ билан гапириши мени янада ҳайратга солади. Тавба, шунча ғайрат ва шижоат, самимият қаердан келар экан бу аёлга.

— Маҳмуда опа, ишингизни шунчалик яхши кўрасизми, бундай чексиз меҳр сизда қачон пайдо бўлган?

— 19 йилдан бери шу музейда меҳнат қиламан. Онам — Мавжуда Каримова ушбу даргоҳда беш йил мутахассислар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. У пайтларда музейнинг эски биноси Хадрада жойлашган эди. Мактабдан чиқишим билан югуриб онамнинг ёнига келардим. Бошида ўқитувчи бўлишни орзу қилгандим. Кўп вақтим онамнинг ёнида, музейда ўтгани учун бу сирли масканга қаттиқ боғланиб қолдим. Шу сабаб мактабни битиргач, Геология билим юртига (Ҳозирги Олмазор туманидаги политехника касб-ҳунар коллежи) ўқишга кирдим.

Менда музейга келган ҳар қандай инсонни ҳайратлантириб, унинг геология соҳаси ва бу ердаги экспонатларга бўлган қизиқишини ошириш истаги жуда кучли бўлган. Бизнинг соҳамизда муомала маданияти биринчи ўринда туради. Шу сабаб меҳмонларни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб оламиз ва кузатиб қўямиз.

Бу ерга турли ёшдаги: мактаб ўқувчисидан тортиб турли касб эгалари, ҳатто, хорижлик меҳмонлар ҳам тез-тез келиб туришади. Баъзан 7-8-синфларда ўқиётган ўқувчилар касб танлашда қийналишади. Ана шунда уларга геология соҳасининг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрнини тушунтираман. Бундан улар хурсанд бўлиб, баъзилари шу касбни танлашга қарор қилади.

Геология-қидирув ишлари Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Чунки, минерал хомашё салоҳияти, ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва ривожлантириш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболини белгилаб беради. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси минерал хомашё захираси билан боғлиқ.

Маҳмуда опа билан Китоб давлат қўриқхонаси залидан жой олган экспонатлар билан танишаётган бир пайтда икки ўқитувчи қуршовида 13-14 ёшлар атрофидаги 40 на-

Матбуот анжумани

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан соҳада замонавий қурилиш материаллари ва пардозлаш материаллари бозорини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Бунёдкорлик асоси

Қурилиш материаллари саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар, саноат объектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиларини барпо этишга қаратилган дастурлар ушбу соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2013 йил якунлари бўйича компания томонидан 2388 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2012 йил билан таққослаганда ўсиш суръати 105,8 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 202 млрд. сўмга етказилиб, бу борадаги ўсиш 109,9 фоизга тенг бўлди.

Маҳсулот турларини кўпайтириш билан бирга, сифати жаҳон андозалари даражасида бўлишига катта эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда қарийб 74,2 млн. АҚШ доллари миқдорида қурилиш маҳсулотлари четга экспорт қилинди.

Ўтган йили компания бўйича иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръати таъминланиб, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишда ижобий натижаларга эришилди. Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастури доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Компания мамлакатимиз бўйлаб йўл транспорти ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш ишларида ҳам иштирок этиб келяпти. «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш» дастурига киритилган объектлар қурилишига ўтган йили 278,7 минг тонна цемент етказиб берилди.

Айтиш ўринлики, компания томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда кўплаб янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этилмоқда. Ўтган йили «Stroy Max Invest» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси томонидан қуввати 54 минг м³ бўлган газобетон, Тошкент вилоятида эса Жанубий Кореянинг «Jaal & Bridge International, LTD» компанияси томонидан йилига қуввати 6.0 млн. донага тенг бўлган, юқори сифатли архитектуравий пардозбоп ғиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Хитой, Эрон ҳамда Россия давлатларининг инвестициялари иштирокида керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари олиб борилаяпти.

Компания таркибига кирувчи корхоналар пойтахтимизда ҳар йили ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Мисол учун, улар томонидан VII Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тузилган шартномалар бўйича 82,7 млрд. сўмлик товарлар сотиб олинди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

«Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё минтақавий филиали аҳолига замонавий банк хизматларини тақдим этиб, кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тадбиркорлар таянчи

Хусусан, 2014 йилнинг ўтган беш ойи давомида кичик бизнес субъектларига 6910,2 млн. сўм, шундан саноатга соҳасига 1345,0 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасига 35,0 млн. сўм, савдо воситачилик ва умумий овқатланиш соҳасига 662,6 млн. сўм, қурилиш соҳасига 1874,1 млн. сўм, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 769,3 млн. сўм, бошқа тармоқларга 2224,2 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Молия муассасаси томонидан йўналтирилаётган маблағларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишдир. Бу жараёнда эса мижозлар — тадбиркор ва ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, «Термиз Тезкор Қурилиш» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти банк томонидан ажратилган кредит асосида ўз фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Ҳозирда корхона Сурхондарё вилоятида замонавий архитектура дизайни асосида қурилиш ҳамда монтаж хизматларини йўлга қўйган.

— Жорий йилнинг май ойида корхонамиз фаолиятини кенгайтиришни режалаштирдик, — дейди корхона раҳбари Муҳаммадали Алламурадов. — Бизнес-режа тузиб, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сурхондарё минтақавий филиалига тақдим этдик. Банк томонидан лойиҳамиз маъқулланиб, 400.0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Сармоядан унумли фойдаландик. Кредит маблағлари эвазига қурилиш материаллари ва бошқа зарурий жиҳозлар сотиб олдик. Қувонарлиси, ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 10 та янги иш ўрни яратилди.

Келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Бир сўз билан айтганда, ушбу молия муассасаси мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

УзА суратлари

Банк маълумотлари асосида
«Ishonch» мухбири
Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар «Қурбонжон Додҳоҳ» кўчасидаги автомобил йўлининг 0-0,8 км. қисмини реконструкция қилиш ишлари».

Бошланғич нархи — **2 063 610 953 сўм ҚҚС билан; 1 719 675 794 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **30.12.2014 й.**

Қурилиш ишлари: **Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Буюртмачи: Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37, тел.(373) 244-52-24.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Йўғрилган умр

фарга яқин мактаб ўқувчилари музейга кириб келишди. Уларга опанинг экскурсаводлик қилишини сезиб, суҳбатимизни бирозга тўхтатдим-да, ёш томошабинларни четдан кузата бошладим...

Кичик ва катта ёшдаги барча томошабиннинг кўпроқ қизиқтирадиган экспонат — умуртқалилар залидаги динозавр скелетидир. Болалар айнан шу залга киришганида «вой-вуй»лаб қолишди. 1961 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) доценти Георгий Белинкий ва унинг талабалари томонидан Тошкентнинг шимолий чўлларидан топилган ушбу ўрдакбурун динозавр скелети шу кунгача топилган динозавр скелетлари орасида шикастланмаган ягона намуна экспонат ҳисобланади. Скелет чиндан ҳам ҳайратланишга арзийди. Унга боқиб, бир пайтлар бу суяклар динозавр бўлганлигини англаш қийин эмас.

Албатта, булар мен музейда кўришга ултаси раисиман», деганини эшитиб, ҳайратим янада ошди. Ахир аёлга бир пайтнинг ўзида оила, бола-чақа ташвишларидан ортиб, яна икки масъулиятли ишни зиммага олиш оғирлик қилмасмикин?

— Баъзан оғирлик қилади, — дейди опа жилмайиб. — Лекин атрофингда сени тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган инсонлар кўп бўлса, ҳар қандай иш енгиллашади. Музейимиз раҳбари Аҳмаджон ака ҳар қандай масалада маслаҳат ва кўмакларини аямайди. Билмаганимни ётиғи билан тушунтиради. Музейда 40 нафар касаба уюшмаси аъзоси бўлиб, ҳар бир ходимнинг ўзига яраша кувонч ва ташвишлари бор. Агар уларнинг бирортаси ўз дардини айтиб келса-ю, уни ижобий ҳал қила олсам, жуда қувонаман. Бировнинг ташвишига бефарқ қараб тура олмайман. Чунки, қўмита раиси ишчи-ходимлар муаммоларини нафақат ижобий ҳал қилиши, балки уларнинг фиксон норизо бўлиб кетмаслиги керак. Ҳар бир ходим шу шиорга амал қилади. Натижасини эса кўриб турибсиз, музейимиздан одам аримайди.

Хорижлик меҳмонлар келганда ва уларга музейимиз ҳақида ҳикоя қилаётиб, уларнинг юзларида зоҳир бўлган ҳайрат ва ҳавасни кўриб юртимиздан, музейимиздан, касбимдан фахрланиб кетаман.

Музейнинг юраги

— Маҳмуда Обидова ҳақида кўп яхши гапларни айтиш мумкин, — дейди Геология бўлими бош мутахассиси Ҳусан Шофайзиев. — Музейга ишга келганимга эндигина бир йил бўлишига қарамай, иш жараёнида Маҳмуда опанинг бағрикенг, бировларнинг дарди билан яшаб, уларнинг мушкулини осон қилмагунча тин олмайдиган куюнчак аёл эканлигига гувоҳ бўлдим. Улар раҳбарлик қилаётган касаба уюшма фаолиятидан

гурган ноёб экспонатларнинг 100 дан бир қисми эди, холос. Уларнинг ҳар бирини томоша қилиш учун эса, бир кун қисқалик қилади. Тушлик вақти бўлиб қолса-да, на менда ва на Маҳмуда опада ҳорғинлик сезилмасди. Шундай бўлса-да, бироз тин олиш учун умуртқалилар залидан чиқиб, Маҳмуда опанинг хонасига йўл оларканмиз, бу ерда касаба уюшма фаолияти қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқдим. Маҳмуда опанинг «2012 йилнинг апрел ойидан бери Геология музейи касаба уюшма қўми-

рини тўғри йўналтиришни ҳам билиши керак. Турмуш ўртоғим баъзида: «Уйга келгач, ишдаги муаммоларни унут», дейди. Баъзан одамлар орасида ишингдан кўнгли тўлмайдиганлар ҳам топилади. Шундай ҳолларда ҳамкасбларим: «Сабрингизга қойилмиз», дейишади.

Ёз ойида музейдаги ҳар бир ходимнинг фарзанди «Геолог» дам олиш оромгоҳига юборилади. Ўзлари эса «Чотқол» санаторийсида дам олиш ҳуқуқига эга. Бировнинг қувончидан куч олишим, бошқаларнинг дардига бефарқ қараб тура олмаслигимни билган ҳамкасбларим: «Барибир, Мавжуда опанинг қизисиз-да», деб қўйишади. Бундан янада руҳланаман. Инсонларни яхши кўриш хислати менга онамдан ўтган. Онам ҳамиша: «Одамларнинг ёмон томонини кўрмагин», деб насиҳат қилади.

— Бу унчалик ҳам осон иш бўлмаса керак?

— Албатта. Лекин иллат изласак, истаганча топилади. Ундан кўра, онам айтганидек, одамлардан фақат яхшилик излаган маъқул. Кўп йиллик фаолиятим давомида ана шу ҳақиқатни англадим. Шунинг учун ҳам ҳаётда ҳеч бир одамни ранжитмасликка, уларда ёмон таассурот қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Қодирий бобомиз айтганидек, бизнинг даргоҳдан ҳеч бир инҳам ҳамма миннатдор. Ишчилар маоши ва турли моддий ёрдам ўз вақтида берилади. Театрларга биргалашиб борамиз.

Оилам — мустаҳкам қўрғоним...

— Турмуш қурганимга 18 йил бўлди, — дейди Маҳмуда Обидова. — 3 фарзанднинг онасиман. Оилада қайнота-қайнонам, турмуш ўртоғим, овсиним билан турамиз. Овсиним: «Ишлаган барибир яхши-да», деб ҳавас қилади. Албатта, аёл ишласа, дунёни англаса, ҳаётда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлса, фарзандлари ҳам унга қараб интилади. Менинг музейда ишлашим учун имконият яратиб берган қайнонам ва турмуш ўртоғимдан миннатдорман. Ҳар қандай муаммони ҳал этишда, айниқса, турмуш ўртоғимга суянаман. Дунёда ана шундай инсонлар кўпайишини хоҳлардим.

«Агар ҳаётнинг сизга кулиб боқишини истасангиз, аввал унга ўзингизнинг яхши кайфиятингизни иньом этинг» деганди файласуф Барух Спиноза. Шундай экан, биз ҳам ҳаётда инсонларга эзгулик улашиб, ҳамкасблари кўнглини обод қилиб яшаётган Маҳмуда Обидова каби инсонлар кўпайишини истаб қоламиз.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган суратлар

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚС сиз сўм	Бажариш муддати
Лот-27/1	Наманган вилояти, Чуст туман «Мустақиллик» массивида ичимлик суви таъминотини яхшилаш.	857 431 394	714 526 162	120 кун
Лот-27/2	Наманган вилояти, Наманган туман «Боғишамол» ҚФЙ «Шербулоқ» МФЙ аҳоли пункти учун ичимлик сув тармоғи қурилиши.	325 372 500	271 143 750	60 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А. Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11

Лойиҳани молиялаштириш: Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади **Лот-27/2**

Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллика эга ҳисобланади;Лот-27/1

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга** Наманган шаҳар, Навоий кўча, 22-уй, Тел.факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А. Навоий кўчаси, 22-уй.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Қибрай қишлоқ хўжалик касб хунар коллежининг 2014 йил 19 июндаги 28 сонли буйруғи ва 2014 йил 19 июндаги 01-1/1-121 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани Геофизика қўрғончаси манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 850 LAA бўлган 1975 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ГБАСПГ «М-412» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 526 500 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 21 июл куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 18 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 21 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 28 июл ва 4 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 28 июл савдолар учун 25 июл куни соат 18:00; 4 август савдолар учун 1 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳи директори

Исмат ТЎРАҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 21-iyun № 76 (3425)

«Шарқ»дан таралган нур

«Қуёш Шарқдан чиқади, китоб ҳам «Шарқ»дан» деган шиорнамо гап жамоамиз ўртасида кенг тарқалган. Ўрни келганда шу гапни қистириб ўтишни яхши кўрамиз, ҳузур қиламиз. Ташкил этилганига қарийб 100 йил бўлаётган корхонамиз замон шитобига қараб турли ном ва шаклда фаолият юритган бўлса-да, моҳиятан халқни саводли қилиш, маърифатини ошириш, маънавиятини юксалтириш бош мақсад бўлган.

Соғлом бола — маънавиятли бола

Таҳририятимиз жойлашган қаватга йўлингиз тушса, биринчи бўлиб кенг фойедаги иккита қўлбола пештахтага кўзингиз тушади: ойнаванд, қулф-калитли. Ичига китоблар терилган. Бири катталар адабиёти, иккинчиси болалар адабиётига оид асарлар. Болалар адабиёти пештахтаси тепасига «Боланинг бир қўлига нон, бир қўлига китоб беринг», деб ёзиб қўйилган. Бу болалар адабиёти бўлимимиз мудири, адиб Эркин Маликовнинг иши. Эркин ака болалар адабиётининг ҳақиқий жонкуяри, фидойиси. Лекин ишда кам бўладилар — кун-кунора бирор мактаб, коллежлицей, маҳаллада, «Меҳрибонлик» уйлари, болалар кутубхоналарида учрашувлар ташкил қилади. Гапирадиган гапи — «тарбия, билим, кўпроқ китоб ўқинглар», дейиш. Шунда ҳам қуруқ бормайдилар, ўзларининг китобларидан 10-15 та олволадилар, тарқатиб чиқадилар. Кўпинча, ёлғиз бормайдилар — Худойберди Тўхтабоев, Тоҳир Малик, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ҳамроҳлик қилишади. Улар ҳам, табиийки, қуруқ қўл билан боришмайди. Баъзан «Шарқ зиёкори»ни ишга солиб, китоб савдоси ҳам ташкил қилишади.

Тўғриси, «Шу ишлар шартми?» деган вақтимиз ҳам бўлган. Кейин-кейин бу энг муҳим иш эканлигини англаб етиб, қўлимиздан келган барча шароитни яратиб бера бошладик.

Йил бошида пештахтада янги ёзув пайдо бўлди. «Соғлом бола — маънавиятли бола». Фарзандларимизнинг жисмонан соғломлиги йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни халқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда, кези келса ўрганмоқда. Бежизга ҳозир дунёнинг кўплаб етакчи давлатларида «2014 йил — Соғлом бола йили» Давлат дастурининг тақдимот маросимлари, уни ўрганиш, ибрат олишга оид анжуманлар ўтказилмаяпти. Болаларнинг соғлиғига ғамхўрлик, уларни ёшлигидан спорт билан ошно қилишга қаратилган кенг миқёсдаги саъй-ҳаракатлар шак-шубҳасиз эътиборга лойиқ. Ўзингиз холис айтинг, илгари бирор қишлоқ мактабида гимнастика зали, сузиш ҳавзаси бўлганми? Ҳозир қишлоқларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган спорт иншоотларида ҳатто халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказишга шароит бор. Бундан 5-6 йил олдин Президентимиз Қашқадарёнинг Гувалак қишлоғидаги мактабда бўлганида, ёш қизчаларнинг спортга иштиёқидан мамнун бўлиб, «Келаси йили сизларга энг замонавий гимнастика саройи қуриб берамиз», деганларида қанчалар қувонгандик. Роса бир йил ўтиб, Гувалакда очилган янги гимнастика саройида ёш қизларнинг республика мусобақаси ўтказилди.

Мамлакатимизда ушбу йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши замирида келажагимиз ворисларининг нафақат жисмоний соғломлиги, балки маънавий соғломлиги, камолоти ҳам назарда тутилган. Шу маънода бу йил биз, ноширлар олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Яъни, ўғил-қизларимизни гўдак чоғиданоқ китоб билан ошно қилиш, уларни китобга ўргатиш, яқинлаштириш, кўниктириш, худди кундалик овқатланиш, дам олиш каби кунлик режимга киритиб юбориш, сингдириш...

Аҳмад ТЎРА олган сурат

Таъбир жоиз бўлса, энг талабчан, «инжиқ» китобхон — болалар. Катталар-ку, керак бўлса мажбур бўлиб ҳам, зарурлиги учун ҳам ўқиши мумкин. Лекин болани мажбурлаб ўқита олмайсиз. У қўлига тутқазилган китоб эътиборини тортса, телевизордаги қуён, бўри, айиқнинг айнан ўзи, керак бўлса ундан ҳам жонлироқ бўлсагина уни варақлайди. Зеро, асли китобхонлик ҳам айни варақлашдан бошланади. Қўлидаги қўғирчоқни қўйиб, ойнаи жаҳондаги мултфилмдан узилиб, рангли-расмли китобни варақладими — бўлди, бу эртанги катта китобхон, демак, маънавият сари йўли очилган инсон.

Болалар адабиёти нашриётимиз фаолиятида ҳамиша устувор йўналиш бўлиб келган. Балки йиллар кесимида кўриб чиқилса, бу аудиторияга мўлжалланган энг кўп номда ва нусхада китоб чиқарган ҳам бизнинг даргоҳимиз бўлиб чиқар. Лекин шуни ҳам тан олиб айтишим керакки, ҳозир болаларга ихтисослашган янги-янги хусусий нашриётлар кўпайди, энг замонавий ускуналар билан бугунги бола тасаввурини, тафаккурини ўстиришга хизмат қиладиган туркум-туркум рангли, зарҳал, ялтироқ, бола эътиборини тортадиган китоблар чиқарилмоқда.

Хусусан, бизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида кўпгина ишлар қилинди, китоблар чоп этилди. Боғча болаларга мўлжалланган «Қувноқ рақамлар», «Қувноқ ҳарфлар» , «Весёлые цыфры», «Учимся рисовать и фантазировать» каби рангли китобчалар, бошланғич синф ўқувчиларига тааллуқли «Ўзбек халқ эртаклари», «Шарқ халқ эртаклари», «Инглиз халқ эртаклари» ихчам-ихчам шаклу шамойилда нашр қилинди. Шунингдек, «Қизиқарли математика», «1001 бошқотирма», «Навоий ва зийрак Самира», «Ўзбек халқ болалар ўйинлари» сингари китоблар ҳам навқирон авлод фикрини, ақлини чархлашга хизмат қилади. Улуғ адибларимиздан Ойбекнинг «Болалик», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»ини қайта чоп этдик. Худойберди Тўхтабоев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджонларнинг янги китобларини нашрга тайёрлаяпмиз. Тоҳир Маликнинг кенг қўламли ижодидан болалар тарбияси, маънавияти, камолотига хизмат қиладиган асарларини ажратиб олиб тайёрланган уч томлик сайланма яқинда ўқувчиларга тортиқ қилинди. Халқ ёзувчиси Фарҳод Мусажоновнинг янги китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этяпмиз. Куни кеча Республика қўғирчоқ театрида Галина Саидовонинг «Физика в стихах» рангли, ялтироқ китобининг тақдимот маросими ўтказилди. Дарвоқе, бу китоблардан бир нусхадан ўша ўзимиз ясаган қўлбола пештахтага ҳам териб қўямиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида бу йил мактаблар учун 35 млн. нусхада дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, бошланғич синфлари учун чет тилларда туркум янги ўқув адабиётлари чоп этиш белгиланган. Тендер асосида нашр қилинадиган бу китобларнинг катта қисмини сифатли, кўркам, мазмунли қилиб чоп этиш, янги ўқув йилигача ўқувчилар қўлига етиб боришини таъминлаш айни кунлардаги энг асосий вазифамиздир.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Оилавий спортни ривожлантириш, айниқса, аёлларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида Чилонзор туманидаги Болалар спорт мажмуасида ўтказилган «Аёллар спорт фестивали»да волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш ва гимнастрада бўйича 25 ёшдан юқори бўлган уй бекаларидан ташкил топган жамоалар қатнашди.

Фаол иштирокчилар бир неча номинацияларда диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аҳмад ТЎРА олган суратлар

Касаба уюшма тадбири

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Навоий тиббиёт касб-ҳунар коллежи спорт залида мини футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

ҒОЛИБ — САЛОМАТЛИК

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти Раислар кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада ўн саккиз жамоа таркибида 200 га яқин соҳа ходими қатнашди.

Қизғин кечган беллашувда 1-ўринни Шошилинч тез ёрдам илмий маркази вилоят филиали жамоаси қўлга киритди. Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ҳамда Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси жамоалари совриндорлар сафини тўлдирди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Боймурод НИЁЗОВ,
Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Савол: 9-синфни битирдим. Таътил вақтида ота-онамга ёрдам бериш учун ишламоқчиман. Вақтинчалик ишларга жойлашишим мумкинми ва бу борада қандай имтиёзлар мавжуд?

О.НАЗАРОВА,
Қибрай тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда ёшларга доир қонун ҳужжатларида, вояга етмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш ва улар меҳнатидан фойдаланишнинг қатъий тартиб-қоидалари белгилаб қўйилган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Қолаверса, МКнинг тегишли бандларида белгиланганидек, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Холида КОМИЛХЎЖАЕВА,
Сергели туманидаги 3-ДНИ нотариуси

Савол: Талабаларга қандай ҳолларда академик таътил берилади? Биринчи курс талабаси ҳам академик таътил олиши мумкинми? У қанча муддатга берилади?

Н.ТОШМАТОВ,
Ҳамза тумани

Жавоб: Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда 2138-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги Низом»да тегишли тартиб-қоидалар белгиланган. Унга мувофиқ, талабалар:

- ҳарбий хизматни ўташ;
- саломатлигини тиклаш;
- ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олиш ҳуқуқига эга.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида қуйидаги муддатларга берилади:

- ҳарбий хизматни ўташ учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;
- саломатлигини тиклаш учун – 12 ой муддатга;
- ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига берилади.

Биринчи курс талабаларига эса академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкинлиги белгиланган.

Дилдор ҚУРБОНОВА,
Учтепа туманидаги 7-ДНИ нотариуси

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг 2014 йил 4 июндаги 230-т сонли буйруғи ва 2014 йил 16 июндаги 09-14/420 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳар Спорт кўчаси, 70-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

№	Автомототранспорт воситасининг русуми	давлат рақами	ишлаб чиқарилган йили	техник ҳолати	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	"УРАЛ 43202"	10 827 ХАА	1990	Техник соз	175 175 000
2.	"ЗИЛ 157"	10 829 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
3.	"ЗИЛ 157"	10 830 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
4.	"ЗИЛ 157"	10 831 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
5.	"ЗИЛ 157"	10 837 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
6.	"ЗИЛ 157"	10 839 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
7.	"ЗИЛ 157"	10 840 ХАА	1972	Техник соз	122 622 000
8.	"УАЗ 39621"	10 536 УАА	1988	Техник соз	71 800 000
9.	"УАЗ 39621"	10 537 УАА	1987	Техник соз	71 800 000
10.	"УАЗ 39621"	10 538 УАА	1987	Техник соз	71 800 000
11.	"УАЗ 39621"	10 841 ХАА	1990	Техник соз	71 800 000
12.	"УАЗ 39621"	10 856 ХАА	1988	Техник соз	71 800 000
13.	"УАЗ 39621"	10 857 ХАА	1990	Техник соз	71 800 000
14.	"УАЗ 39621"	10 860 ХАА	1987	Техник соз	71 800 000
15.	"УАЗ 396201"	10 539 УАА	1986	Техник соз	71 800 000
16.	"УАЗ 396201"	10 842 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000
17.	"УАЗ 396201"	10 854 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000
18.	"УАЗ 396201"	10 859 ХАА	1989	Техник соз	71 800 000

Аукцион савдоси 2014 йил 21 июл куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 18 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 21 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 28 июл ва 4 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 28 июл савдолар учун 25 июл куни соат 18:00; 4 август савдолар учун 1 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

«Савдо ташкилотчиси»га у кўрсатган хизматлари учун мулкнинг сотув нархидан жами 5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи мулкни сотиб олган ғолиб харидор закалат пулидан ушлаб қолинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Андижон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида 170 нафар ўғил-қиз фортепяно, торли чолғулар, халқ чолғулари ижрочилиги, эстрада ва вокал, хореография, театр, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишларда ижодий салоҳиятини оширмоқда.

Мактаб қошида фаолият юритаётган «Асал» рақс гуруҳи ўтган йили «Камалак юлдузлари» республика фестивали совриндорлари қаторидан жой олди.

Суратларда: «Асал» рақс гуруҳи қизлари; (чапдан) ўқитувчи Шаҳноза Ботирова ўқувчиси Мадина Мухторова билан машғулотда.

Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар

Дастур доирасида

Ошпазлар танлови

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болажонларни дам олдириш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Бу йил Самарқанд вилоятидаги дам олиш масканларида маданий тадбирлар ташкил қилиш, тиббий хизмат, санитария-гигиена ҳолатларини тубдан яхшилаш, ошоналардаги хизмат сифатини ошириш, шунингдек, малакали ошпазларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Шу муносабат билан Ургут тумани Омонқўтон қишлоғидаги «Юлдузча» оромгоҳида оромгоҳ раҳбарлари, ошпазлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, тиббиёт бирлашмалари, ДСЭНМ раҳбарлари иштирокида амалий семинар ва «Ошпазлар танлови» ташкил этилди.

Семинар қатнашчилари намунали тарзда ташкил этилган «Маданият ва маърифат» хонаси, кутубхона, спорт майдончаси, тиббиёт хонаси, қизлар ва ўғил болалар учун гигиеник хона, фитобар, компютер саводхонлиги, «камолот»чилар хоналари билан яқиндан танишдилар. Намунали ошхона, нонушта, тушлик, кечки овқат ва фуршет столларининг ташкил қилиниши бўйича фикрлашиб олинди.

Шундан сўнг, болажонлар учун мазали таомлар тайёрлашга маъсул ошпазлар ўртасида «Ошпазлар танлови» ўтказилди. Танлов иштирокчилари болалар учун тайёрланадиган таомлар, яхна ичимликлар, нон ва сут маҳсулотлари, овқатларда ишлатиладиган резавору сабзавотларнинг фойдали жиҳатлари хусусидаги билимлари ҳамда лаззатли, дармондориларга бой таомлар тайёрлаш бўйича маҳоратларини намойиш этишди. Танловда иштирок этган 24 нафар ошхона ходими ичида энг маҳоратлилари рағбатлантирилди.

— Бу танлов маҳоратимизни ошириш, ўз устимизда жиддийроқ ишлашга ундади, — дейди Пастдарғом туманида жойлашган «Гўзалкент» оромгоҳи ошпази Раъно Ҳамроева. — Таомларимиз болажонларни нафақат тўйдириши, балки саломатликлари учун фойда келтириши керак.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti -20. 30
Topshirildi - 20.50
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4